

Аллоҳдан шифо сўра



07:27 / 14.07.2019 2071

Яҳё ибн Саъиддан ривоят қилинади: «Саъид ибн Мусайябникига кириб, уни зиёрат қилдик. Биз билан Нофеъ ибн Жубайр ҳам бор эди. Саъиднинг жорияси бизга: «Уч кундан бери ҳеч нарса емади, унга бирон нима денглар, ул-бул нарса еб олсин», деди. Нофеъ ибн Жубайр Саъидга: «Модомики дунёда экансан, дунё аҳлидан ҳисобланасан. Дунё аҳли ўзини ислоҳ қилиши керак. Бирор нарса есанг бўлмайдимми?» деди. Саъид: «Бу аҳволдаги одамнинг томоғидан нима ҳам ўтарди. Қанча-қанча одамлар дўзахга, яна қанча-қанчаси жаннатга кетяпти», деди. Нофеъ: «Аллоҳдан шифо сўра, (касал бўлишингдан олдин) масжиддаги жойинг шайтоннинг ғазабини қўзғаётган эди», деди. Саъид: «Аксинча, Аллоҳ таоло мени сизнинг орангиздан соғ-саломат чиқарди» деб, одамлар орасидаги маънавий ҳасталикларга ишора қилди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан